

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан
назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг
2022 йил “ 9 ” декабрдаги 116 -сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги
“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази”
давлат унитар корхонасининг янги таҳрирдаги
УСТАВИ**

Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4241-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 575-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда - Марказ деб юритилади) мақоми, мақсади, асосий вазибалари, функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини, муассиснинг, ижро этувчи органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, Марказ билан унинг муассиси ўртасидаги мулкӣ муносабатларни белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади) назорат функцияларини амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатадиган давлат унитар корхонаси ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги ҳудудий филиаллари ва туман лабораториялари Марказнинг мустақил юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий бўлинмалари ҳисобланади.

2. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, ҳамда

“Ўзагроинспекция” хайъати қарорлари ва буйруқларига, шунингдек, мазкур Уставга асосан ташкил этади.

3. Марказ “Ўзагроинспекция”нинг юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил тузилмаси бўлиб, ўз балансига, шахсий ҳисоб рақамларига ва Марказ фаолият турлари бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан тушадиган маблағлар келиб тушишининг алоҳида ҳисобини юритиш учун тегишли банклардаги шахсий ҳисобварақларга, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳрга ҳамда ўз фаолияти учун зарур бошқа белгилар ва реквизитларга эга.

Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиш ва амалга ошириш, мажбуриятлар олиш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Марказ муассис розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат ташкилотлари, шунингдек уларда юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотлар қатнашчиси (аъзоси) бўлиши мумкин.

Марказ давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

4. Марказнинг муассиси – Ўзагроинспекция ҳисобланади ва Марказ бевосита Ўзагроинспекцияга бўйсинади ҳамда ўз фаолияти тўғрисида Инспекцияга ҳисобот беради.

5. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Марказ фаолиятининг мақсади, предмети, турларини белгилаш;

ўзи таъсис этган Марказнинг уставини тасдиқлаш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Марказ директори билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатиш;

Марказни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Марказ мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилиш;

Марказнинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкани тасарруф этиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасига давлат корхонасини хусусийлаштириш ёки давлат тасарруфидан чиқариш бўйича таклифлар киритиш;

Марказга етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Марказ директорига нисбатан даъво тақдим этиш;

молиявий йил яқунлангач олти ойдан кеч бўлмаган муддатда тақсимланадиган Марказ соф фойдасининг қисмини олиш (бунда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига соф фойданинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ажратмаларини йўналтиришни назарда тутиш керак).

6. Муассис қуйидагиларга мажбур:

Марказ директорини ва ўринбосарларни тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ улар билан меҳнат шартномасини тузиш;

давлат унитар корхонаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида Марказнинг устав фондини унга давлат мулкани тезкорлик билан бошқариш учун бериш йўли билан шакллантириш;

ҳар йили Марказнинг ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичини назарда тутувчи Марказнинг бизнес-режасини тасдиқлаш, ҳар чоракда ижро этувчи органнинг унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботини эшитиш;

бозор қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг минг баравари миқдоридан ошадиган мол-мулкни, мулкни тасарруф этиш учун Марказнинг ижро этувчи органига рухсатномалар бериш тўғрисидаги қарорни тегишли равишда Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишиш;

корхонага берилган давлат мулкidan мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;

Марказнинг йиллик йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилиши ва давлат бюджетига ажратмаларни соф фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан 60 кундан кечиктирмай тўланишини таъминлаш.

7. Инспекция бошлиғи:

Марказ тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони ва ажратилган маблағлар доирасида ўзгартиришлар киритиш;

қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини баргараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари ҳамда зарур бўлган тақдирда уларга тегишли ахборот-таҳлилий материалларни чоп этиш, соҳага оид турли тадбирларни ташкил этиш ва тақдирлаш билан боғлиқ масалаларда кўрсатма бериш;

давлат унитар корхонаси раҳбари ва ўринбосарлар билан меҳнат шартномасини тузиш ва уни бекор қилиш;

товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда хизматлар кўрсатишдан, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказнинг янги бўлимларини (бўлимларини) ташкил этиш ва қўшимча штат бирликлари жорий қилиш ҳуқуқига эга.

8. Марказнинг расмий тўлиқ ва қисқартирилган номи:

Давлат тилида:

Лотин ёзувида – O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Agrosanoat majmui ustidan nazorat qilish inspeksiyasi qoshidagi “Agrosanoat majmuida xizmatlar ko‘rsatish markazi” davlat unitar korxonasi, qisqartirilgan nomi – “O‘zagroinspeksiya” qoshidagi “Agrosanoat majmuida xizmatlar ko‘rsatish markazi” DUK.

Кирилл ёзувида – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” давлат унитар корxonаси, қисқартирилган номи – “Ўзагроинспекция” қошидаги “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК.

Рус тилида: — Государственное унитарное предприятие «Центр по оказанию услуг в агропромышленном комплексе» при Инспекции по контролю за агропромышленным комплексом при Кабинете Министров Республики Узбекистан, қисқартирилган номи — ГУП “Центр по оказанию услуг в агропромышленном комплексе” при “Узагроинспекции”;

Инглиз тилида: — State unitary company “Service Center in the agro-industrial complex” under the Inspection on the control of agro-industrial complex under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи — SUC “Service Center in the agro-industrial complex” under the “Uzagroinspection”.

9. Марказнинг жойлашган жойи (почта манзили): 100011, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Хадра мавзеси, 27-уй.

II боб. Марказнинг вазифалари ва функциялари

10. Агросаноат мажмуида давлат хизматларини кўрсатиш, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илм-фан ва инновацияга асосланган илмий ва тажриба-экспериментал тадқиқотларни олиб бориш, Марказнинг илмий салоҳиятини ошириш, моддий-техник базасини модернизация қилиш ва янги турдаги хизмат турларини кенг жорий этиш устувор мақсадидир.

11. Хизматлар кўрсатиш орқали фойда олиш, муассиснинг топшириқларини ўз вақтида ижросини таъминлаш, шунингдек ушбу Уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш Марказ фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

12. Қуйидагилар Марказнинг белгиланган тартибда кўрсатадиган хизматлар бўйича асосий вазифалари ҳисобланади:

фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда хизматлар кўрсатиш;

Марказ ваколоти доирасига мувофиқ, Агросаноат мажмуи маҳсулотлари (қишлоқ хўжалиги экинларининг барча турдаги уруғлари ва кўчатлари, пахта толаси, момиғи, техник чигити, момиқ пахта, ёғ, маргарин, майонез, шрот, шелуха, хўжалик совуни, дон, дуккакли-дон ва мойли экинлар, уларнинг

уруғлари, шунингдек ун, ёрма, кепак, оралик маҳсулотлар ва чиқиндилар ҳамда агросаноат мажмуининг бошқа маҳсулотлари - кейинги ўринларда маҳсулотлар деб юритилади) синовларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

маҳсулотларга мувофиқлик ва сифат сертификатлари, синов баённомалари, таҳлил натижалари ҳамда баҳолаш хулосаларини бериш ишларини бажариш;

сертификатлаштирилган маҳсулотлар устидан инспекция назоратини амалга ошириш;

аккредитация доирасига мувофиқ синов жиҳозлари ва ўлчов воситаларини метрологик аттестациядан ва қиёслаш кўригидан ўтказиш бўйича ишларни амалга ошириш;

пахта толаси ширадорлигини аниқлаш, пахта толаси ва момиги тойлари массасини ўлчаш хизматларини амалга ошириш;

пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналари, пахта маҳсулотларининг харидорлари ҳамда бошқа ташкилотлар учун сертификатланадиган пахта маҳсулотлари ташқи кўриниши намуналарини тайёрлаш, реставрация қилиш ва улар билан таъминлаш;

районлаштирилган ва истиқболли қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг наводорлигини (нав софлиги) тупрокда (тажриба майдонида) баҳолаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини етиштиришда уруғчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари, кластерлар, илмий муассасалар ва бошқа хўжаликларга шартнома асосида амалий ёрдам кўрсатиш;

экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда дон ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг сифатини аниқлаш ва сифат сертификатларини расмийлаштириш;

уруғлик тайёрловчи субъектларда қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тозалаш-саралаш (уруғлик чигитда – туксизлантириш), калибрлаш, дорилаш ва қадоқлаш жараёнларида ҳар 2 (икки) соатда зарурий экинбоплик сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

экиш материаллари таркибида генетик модификацияланган организмларни (ГМО) ҳамда хавfli яширин вирусли ва замбуруғли касалликларни мавжудлигини аниқлаш;

талаб қилинадиган аниқлик бўйича ўлчовларнинг бир хиллигини таъминлаш;

пахта толасини классификациялаш, сертификациялаш ва маркетинг йўналиши ҳамда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникларини, сервис хизмат кўрсатиш бўйича агросаноат мажмуи соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширилишини таъминлаш;

агросаноат мажмуи соҳасига оид фаолиятни оммавий ахборот воситалари интернет тармоғи орқали тарғибот қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг буюртмасига кўра шартнома асосида Инспекция назорат функцияларини амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш;

Инспекция билан келишилган ҳолда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13. Марказ ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

сертификатлаштириш миллий тизими қоидалари ва техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ маҳсулотларни баҳолаш бўйича синовлар ўтказди;

олинган синов натижаларини ўрганади, мувофиқлик сертификати ва сифат сертификатларини бериш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

синов натижаларига кўра, номувофиқ деб топилган маҳсулотларга ушбу ҳақида далолатнома, таҳлил натижаси ва синов баённомаси тақдим этади;

экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда дон ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг сифатини аниқлайди ва сифат сертификатларини расмийлаштиради;

аккредитация доирасига мувофиқ, ўтказилган метрологик аттестациялаш ва қиёслаш ишлари натижаси бўйича синов жиҳозларига сертификат расмийлаштиради;

пахта толаси ва момиғи тойларини етказиб берувчи билан биргаликда тойнинг оғирлигини тортиб кўриш ва тойнинг оғирлиги юзасидан далолатнома расмийлаштиради;

пахта толаси, момиғи ва техник чигити маҳсулотларининг ташқи кўриниши намуналарини истеъмолчиларнинг буюртмаларига асосан таъмирлайди ҳамда янгидан тайёрлайди;

уруғликларни синовлардан ўтказди, элита уруғчилик хўжаликларига етиштирилган пахта толаси намуналарининг технологик кўрсаткичларини аниқлайди, уруғлик пахта ва бошоқли дон экинларининг навдорлигини (нав софлигини) тупроқда (тажриба майдонида) баҳолаш ишларини амалга оширади;

мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати ўтган, стандарт талабларига жавоб бермайдиган ёки сақлаш қоидаларининг бузилиши натижасида сифати бузилган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларидан келгусида уруғлик сифатида фойдаланилмаслик бўйича тегишли хулосалар беради;

маҳсулотларнинг синаш усулларини ишлаб чиқади, зарур ҳолларда манфаатдор идоралар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирларни амалга оширади;

маҳсулотлар учун техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнларида иштирок этади;

республикага четдан келтириладиган уруғликларни тегишли сертификатлари, фитосанитария сертификати, карантин рухсатномасини тақдим этган ҳолларда улардан намуналар танлаб олади, таҳлиллар ўтказди, натижалари бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради;

уруғчилик соҳасидаги жорий этилган халқаро стандартлар асосида уруғлар сифатини аниқлайди ва стандарт талабларига мувофиқ бўлган уруғларга мувофиқлик сертификатларини беради;

уруғликларни синовдан ўтказди ва якуний хулосалар беради;

сифат менежменти тизимларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

маҳсулотларни классификациялаш ва маркетинг йўналиши ҳамда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникларини бошқариш ҳуқуқини бериш, сервис хизмат кўрсатиш бўйича агросаноат мажмуи соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширилишини таъминлайди;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини етиштирувчи фермер хўжаликлари, кластерлар ва бошқа уруғчилик билан шуғулланувчи хўжаликларнинг уруғлик майдонларини апробация кўригига тайёрлашда шартнома асосида услубий ёрдам кўрсатади;

юқори авлодли уруғликлар етиштирувчи илмий муассасалар майдонларида мониторинг ўтказиш, тайёрланган уруғликлардан намуналар танлаб олиш ва таҳлил ўтказиш ишларини амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини сертификатлаш ва уларга стандарт талаблари бўйича ёрликларни уруғлик ишлаб чиқарувчиларга буюртма асосида етказиб беради;

Республикада жамғарилган уруғлик пахта ғарамларининг экинбоплик сифат кўрсаткичлари бўйича дастлабки таҳлилларини амалга оширади;

хорижий давлатлар ташкилотлари билан Инспекцияни хабардор қилган ҳолда ҳамкорлик ўрнатади, келишув ва меморандумлар имзолайди ва уни амалга оширади, шунингдек, халқаро ташкилотларга аъзо бўлади;

хорижий ҳамкорлар билан ўз соҳаси бўйича ҳуқуқий ахборот алмашади;

ходимларнинг хорижий давлатларда малака оширишлари учун шарт-шароитлар яратади ва ташкил этади;

хорижий давлатларда ташкил этилган соҳага оид ўқув курсларида, семинар, давра суҳбати ва конференцияларда иштирок этади;

Соҳада илм-фан ва инновацияга асосланган илмий тажриба-экспериментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш учун халқаро грандлар, халқаро институт, ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грандлари ҳамда ҳомийлик хайриялари техник қўмакларда қатнашади.

14. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган ва тақиқланмаган ўз фаолиятига оид ва бошқа вазифа ҳамда функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин. Махсус рухсатнома (лицензия, аккредитация ва маъқуллаш) талаб

қилинадиган фаолият турлари тегишли махсус ружсатнома (лицензия, аккредитация ва маъқуллаш) олинганидан сўнг амалга оширилади.

15. Қуйидагилар Марказ ҳудудий филиаллари ва туман лабораторияларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Марказга юклатилган вазифа ва функциялар ижросини ҳудудларда таъминлаш;

Марказ ваколат доирасига мувофиқ амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ маҳсулотларни барча турдаги синовларини ўтказиш;

ўрнатилган тартибда маҳсулотлардан синов учун намуналар танлаб олиш, идентификация қилиш ва синовдан ўтказиш, зарур ҳолларда маҳсулот намуналарини қўшимча синовлардан ўтказиш учун Марказнинг тегишли лабораторияларига юбориш;

маҳсулотларга мувофиқлик сертификати, синов баённомалари ва сифат сертификатлари бериш ишларини бажариш;

синовлар натижаларининг аниқлиги, холислиги ва ишончлилигини таъминлаш;

янги ҳосилга тегишли типик тўдалардан олинган намуналар бўйича бошоқли дон экинларининг товар ва технологик хусусиятларини ўрганиш;

синовлар натижалари ва ҳисобот маълумотларини ўз вақтида ҳамда ҳаққоний тақдим этиш;

ваколат доирасида маҳсулот сифатига тегишли мунозарали масалаларни ҳал қилиш;

корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

16. Марказий лабораториялар, ҳудудий филиаллар ва туман лабораториялари бошлиқлари мазкур Устав билан Марказга юклатилган вазифа ва функциялари ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши, ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида Марказга етказилган зарарлар, шу жумладан Марказ томонидан филиалга бириктирилган давлат мулки ва товар-моддий бойликларининг йўқотилиши ҳамда мақсадсиз ишлатилиши учун тўлиқ моддий жавобгар шахс сифатида шахсан жавобгар ҳисобланади.

17. Марказ ўзининг вазифа ва функцияларини марказий аппарат ҳамда ҳудудий филиаллар ва туман лабораториялари орқали амалга оширади.

III боб. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги

18. Марказ ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маҳсулотларни синаш натижаларига кўра синов баённомалари таҳлил натижалари ва баҳолаш хулосалари, мувофиқлик ва сифат сертификатларини ўрнатилган тартибда бериш;

мавсум бошидан дон ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва реализация қилиш учун мўлжалланган дон сиғимларини

(омбор, элеватор, айвон ва майдонлар) техник ҳолатини ўрганиш, баҳолаш ва тегишли хулосаларни бериш;

ягона ўлчов бирлигини таъминлаш ва ўрнатилган қоидаларга асосан метрологик аттестациялашни ва қиёслаш ишларини амалга ошириш бўйича ишларни бажариш;

ўрнатилган тартибда маҳсулотлардан синов учун намуналар танлаб олиш, идентификация қилиш ва танлаб олинган намуналарни лозим бўлган ҳолларда буюртмачиларнинг мутахассислари иштирокида синовлар ўтказиш, зарур ҳолларда маҳсулот намуналарини қўшимча синовлардан ўтказиш учун корxonанинг тегишли лабораторияларига юбориш;

айни бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг сертификатлаш органлари билан “Ўзагроинспекция”ни хабардор қилган ҳолда ҳамкорлик қилиш;

маҳсулотлар сифатини таҳлил қилиш, натижалари юзасидан ҳужжатларни тайёрлаш ва техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабининг бузилиши билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли корхона ва ташкилотларга тавсия ва таклифлар киритиш;

номувофиклик аниқланганда, берилган мувофиклик сертификатлари ва мувофикликни тасдиқлаш белгилари амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

ишлаб чиқаришни ўрганишда ёки маҳсулотни синов натижаларига кўра, номувофикликлар аниқланганда, мувофиклик сертификати беришни рад этиш;

сертификатлаш тизимининг ахборот ва услубий ҳужжатларини такомиллаштириш ёки ишлаб чиқиш бўйича таклифлар бериш, стандартлаштириш ва метрология соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини яратишда иштирок этиш;

хориждан кириб келаётган мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулот турининг республикада тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлари бўлмаганда, унинг сифати ва хавфсизлиги бўйича сертификатлаш синовлари турдош маҳсулотларга бўлган талаблар ёки уларни идентификациядан ўтказган ҳолда санитар-эпидемиологик хулоса асосида амалга ошириш;

Инспекция билан келишилган ҳолда ўз фаолияти учун зарур бўлган қурилиш ишларини амалга ошириш, биноларни харид қилиш ва белгиланган тартибда сотиш ҳамда уларни ижарага беришни амалга ошириш;

ўз ваколати доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахслар учун тавсиявий бўлган, шу жумладан, бошқа давлат органлари билан биргаликда услубий ҳужжатларни қабул қилиш;

қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

фаолият турлари бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш, хизматлар кўрсатиш. Бунда: Марказ томонидан фаолият турлари бўйича

товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича тарифлар, нархлар ва қийматларни мустақил равишда белгилаш;

эркин бозор иқтисодиётдан келиб чиқиб, рақобатбардош хизматларни кўрсатиш учун имтиёзли тарифларни ишлаб чиқиш ва қўллаш;

жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида ўз фаолият соҳаси бўйича хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, маҳсулот етказиб бериш;

Марказ ходимлари томонидан ўз соҳасида улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрлар бажарилишини ҳисобга олган ҳолда уларни моддий рағбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

Инспекциянинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари, шунингдек, бошқа бюджетдан ташқари маблағлар, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар, халқаро институтлар ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грантлари ва ҳомийлик хайриялари, фаолият турлари бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан тушадиган маблағлар, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳамда тегишли ҳисоб рақамларида жойлашган бошқа маблағларни Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит рақамларида миллий ва хорижий валютада жойлаштириш. Бунда, маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадни моддий-техник базани, ижтимоий ривожлантиришга ва ходимларни моддий рағбатлантиришга ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларга йўналтирган ҳолда Марказнинг тегишли ҳисоб рақамларига ўтказиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз фаолиятига тааллуқли мурожаатларини кўриб чиқиш;

Марказнинг ваколатлари доирасида хорижий давлатлар органлари ва халқаро ташкилотлар билан Инспекцияни хабардор қилган ҳолда алоқалар ўрнатиш.

Давлат корхонаси ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Марказ мулки етарли бўлмаганда Марказ мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради.

19. Марказ муассис билан келишув бўйича, қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

Филиал ёки ваколатхона ташкил этилгандан кейин бир ҳафта муддатда Марказ бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигини ёки унинг ҳудудий органини хабардор қилиши шарт.

20. Марказнинг филиаллари ва ваколатхоналари Марказ номидан, Марказ томонидан тасдиқланган низомлар асосида фаолият кўрсатади.

21. Марказ филиали ёки ваколатхона раҳбари Марказ директори томонидан муассис билан келишган ҳолда тайинланади ва унинг ишончномаси асосида фаолият кўрсатади. Филиал ёки ваколатхона раҳбари билан тузилган меҳнат

шартномаси тўхтатилган тақдирда ишончнома Марказ директори томонидан бекор қилинади.

22. Марказнинг жавобгарлиги:

ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши;
фаолиятга бевосита тааллуқли бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқилиши;

соҳани (тармоқни) ривожлантириш бўйича тадбирлар, режалар ва бошқа дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни самарали амалга оширилиши;

филиал ва ваколатхона мажбуриятлари бўйича;

ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради.

Муассис Марказ мулки етарли бўлмаганда Марказ мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

23. Марказ муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

IV боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш

24. Марказга Инспекция бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Директор бошчилик қилади. Бунда, ижро органи раҳбари сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

25. Директор Марказнинг яқка ижро этувчи органи ҳисобланади ва Марказ олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, Марказ номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Марказ номидан битишувларни белгиланган тартибда амалга оширади, ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади, зарурат бўлганда Марказнинг молиявий аҳволидан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш тўғрисида фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида фуқароларни ишга қабул қилади, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, кадрлар захирасини шакллантириш чора-тадбирларини кўради, буйруқлар чиқаради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради, пул, моддий ва бошқа қийматликларни олиш ва чиқариш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатларни имзолаши мумкин бўлган шахсларнинг рўйхатини тасдиқлайди, Марказ ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этади, шакллантирилган Марказ фондларининг мақсадли ишлатилишини таъминлайди, уларнинг умумий миқдорлари доирасида мувофиқлаштиради ҳамда Марказ фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Марказ директори тасдиқланган ташкилий тузилмада белгиланган ходимлар сони доирасида штатлар жадвалига ўзгартириш киритади ва Марказ

ходимларининг штат бўйича сони ҳамда уларнинг иш ҳақи миқдорлари муассис билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

Директор муассис олдида Марказ уставида белгиланган тартибда Марказ фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

Марказ директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Марказ манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши керак ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан юкланган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиш, давлат хизматларини кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, фаолият соҳа йўналишлари бўйича ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахслар фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат сири билан боғлиқ қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, фаолият билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Марказга берилган давлат мулки йўқолган тақдирда Марказга етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

26. Директор 3 та ўринбосарга эга ва улар Инспекция раҳбарининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Марказнинг ҳудудий филиаллар бошлиқлари Инспекция билан келишган ҳолда Марказ директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Бошқа ходимлар меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда Марказ директори томонидан ишга қабул қилинади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳудудий филиаллар бошлиқлари Марказ томонидан белгиланган тартибда бериладиган ишончнома асосида фаолият юритади.

27. Директор бўлмаган вақтда унинг ваколатлари буйруқ билан вазифа юклатилган ўринбосар томонидан амалга оширилади.

28. Марказ директори ўринбосарлари ва таркибий бўлинмаларининг фаолияти директор томонидан тасдиқланадиган вазифалар тақсимотида белгиланади.

29. Марказ ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

V боб. Марказ устав фондининг миқдори, уни шакллантириш тартиби ва манбалари

30. Марказнинг устав фонди ўз молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун унга таъсисчи томонидан берилган жами мол-мулк ва бошқа активлардан ташкил топади.

31. Марказ устав фонди 7 468 706 940 (етти миллиард тўрт юз олтмиш саккиз миллион етти юз олти минг тўққиз юз қирқ) сўмни ташкил қилади.

32. Марказ устав фондиди кўпайтириш ва камайитириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, муассиснинг қарори бўйича амалга оширилади.

VI боб. Марказнинг мол-мулки, маблағлари. Марказ фаолиятини молиялаштириш

33. Марказнинг мулки:

Муассис томонидан давлат корхонасига тезкор бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мулк;

Марказнинг ўз фаолиятдан олинган даромадлари, шунингдек, бошқа жамият устав фондидаги улуши бўйича дивиденд;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

Марказ мулкининг қиймати Марказнинг мустақил балансида акс эттирилади.

34. Марказда давлат мулкани тезкор бошқариш ҳуқуқи топшириш - қабул қилиб олиш далолатномаси Марказ директори ва муассис томонидан имзоланган вақтдан бошлаб пайдо бўлади.

35. Марказ мулки бўлинмас мулк ҳисобланади ва қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан Марказ ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

36. Марказ мулкани тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда Марказнинг ижро этувчи органи томонидан муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага топшириш;

хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;

мулкни давлат корхонаси фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

Бунда бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) шунингдек Марказга тегишли акцияларни (улушларни) сотиш Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади.

Бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) шунингдек Марказга тегишли акцияларни (улушларни) сотишдан тушган маблағлар, уларни сотиб олиш манбаларидан қатъи назар, давлат мулкани хусусийлаштиришдан олинган маблағлар тарзида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тақсимланади.

37. Марказни моддий-техник таъминлаш харажатларини молиялаштириш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш белгиланган маблағлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар, халқаро институтлар ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грантлари ва ҳомийлик хайриялари, фаолият турлари бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

38. Марказ ходимларининг иш ҳақи - лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалардан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

39. Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялаш қуйидагилардан иборат:

Хизмат вазифасини сидқидилдан ва самарали бажариб келаётган Марказнинг юқори малакали, ташаббускор ходимларига юқори малакаси учун лавозим маошининг 100 фоизи миқдоридан кўп бўлмаган белгиланадиган шахсий устамалар;

алоҳида меҳнат шaroитлари учун лавозим маошига қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблашда лавозим маоши таркибига киритиладиган 50 фоиз миқдоридан устама;

байрамларда ва муҳим саналарда бир марталик пул мукофоти;

ходимларга ишда муваффақиятларга эришганлиги ва муҳим топшириқларни бажарганлиги учун мукофот;

овқат пули учун тўлов;

йўлкира харажатлари учун тўлов;

моддий ёрдам ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тўловлар.

39. Марказга бириктирилган бино, иншоот, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулклар унинг асосий маблағи фондини ташкил қилади ҳамда Марказ унга нисбатан оператив бошқариш ҳуқуқига эга.

40. Марказ ўзининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ишларни молиялаштириш учун белгиланган тартибда Инспекция билан келишилган ҳолда техник кўмак (грантлар)ни жалб қилиш масаласида таклифлар ишлаб чиқиши ва грантларни амалга оширишда иштирок этиши мумкин.

VII боб. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

41. Марказнинг даромади (фойдаси) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига барча солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан, шунингдек, давлат корхонасининг соф фойдасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва муассисга

ажратмалардан кейин қоладиган соф фойда давлат корхонаси ихтиёрида қолади ва ундан муассиснинг қарорига биноан фойдаланилади.

Давлат корхонаси ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига муассис томонидан тасдиқланадиган миқдорларда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

42. Марказ томонидан реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олинган (олиниши лозим бўлган) тушумларнинг 30 фоизи таъсисчининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4241-сон қарорига асосан Марказ томонидан Инспекциянинг назорат функцияларини амалга ошириш учун кўрсатиладиган хизматлар солиқ солинадиган базага киритилмайди.

VIII боб. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот юритиш

44. Марказ ҳисобот даври тугагач, тасдиқланган шакллар бўйича ҳисоботлар тузади. Молиявий ҳисобот ва унга илова қилинадиган бошқа ҳужжатларни белгиланган муддатларда ваколатли органлар ва идораларга тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

45. Маблағларнинг сарфланиши акс этирилган ҳисоботлар - йил якуни бўйича бухгалтерия баланси муассисга тақдим этилади.

46. Марказ фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ йил якунлари билан аудиторлик ташкилотлари томонидан текшириш ўтказилади.

47. Марказ бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, ҳаққоний юритилиши, шунингдек тегишли органларга даврий ва бошқа ҳисоботларнинг ўз вақтида тақдим этилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик директор, Молия-иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи ва бош ҳисобчи зиммасига юкланади.

IX боб. Якуний қоидалар

48. Марказ муассис қарорига кўра, Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилади ёки тугатилади.

49. Марказ Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар Марказ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилади, муассиснинг қарорига кўра киритилади ва тасдиқланади ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.